



КОРПОРАТИВ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ БАЗАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

И.ф.н., проф. Эргашева Шахло Тургуновна
Тошкент давлат иқтисодий университетининг
Инновацион ресурс маркази директори.
International School of finance technology
and science профессори

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a8

Аннотация. Ушбу мақолада корпоратив молиявий ҳисоботларнинг базавий концепциялари ёритилган бўлиб, молиявий ҳисоботларни тузишни халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: молиявий ресурс, ахборот, бухгалтерия баланси, операцион фаолият, инвестицион фаолият, молиявий фаолият, пул оқимлари, корпоратив молиявий ҳисобот.

БАЗОВЫЕ КОНЦЕПЦИИ КОРПОРАТИВНОЙ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Эргашева Шахло Тургуновна
Ташкентский государственный экономический университет,
директор инновационного ресурсного центра,
Профессор International School of finance technology and science
к.э.н., профессор

Аннотация. В данной статье рассмотрены базовые концепции корпоративной финансовой отчетности предприятия. Разработано научно практические рекомендации по совершенствованию составляющих корпоративной финансовой отчетности по международным стандартам финансовой отчетности.

Ключевые слова: финансовый ресурс, информация, бухгалтерский баланс, операционная деятельность, инвестиционная деятельность, финансовая деятельность, денежные потоки, корпоративная финансовая отчетность.

BASIC CONCEPTS OF THE CORPORATE FINANCIAL REPORTING

Ergasheva Shakhlo Turgunovna
Tashkent State University of Economics, Director of the
Innovation Resource Center, PhD, professor.
professor of the International School of finance technology and science

Annotation. This article discusses the basic concepts of corporate financial reporting of an enterprise. Scientific and practical recommendations have been developed to improve the compilation of corporate financial statements in accordance with international financial reporting standards.

Keywords: financial resource, information, balance sheet, operating activities, investment activities, financial activities, cash flows, corporate financial statements.

Кириш. Ривожланган мамлакатларда замонавий саноат ва умуман, жамиятнинг ривожланиш тенденциялари ахборот ресурсларининг асосий ролини ва уларнинг давлат иқтисодиётига бошқариш соҳасига сезиларли таъсирини аниқлаб берди. Ахборот, бир томондан, бошқарув тизимининг муҳим элементи ҳисобланади, иккинчи томондан, бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун асосдир.

Самарали бошқариш учун бошқарувда муаммолар юзага келган тақдирда самарали

ечимни шакллантириш учун қанча ахборот зарур ва етарли бўлса, шунча ахборот бўлиши керак. Бироқ иқтисодий объектларни бошқариш соҳасида, кўпинча, айрим номутаносиблик кузатилади: ҳар бир хўжалик юритувчи субъект тайёрлайдиган ахборот уни истеъмол қилиш кўлами бўйича миқдори етарли, лекин агар унинг кўплаб ахборот манбаларида такрор тарқатилишини ҳисобга олсак, у ҳолда ахборотнинг ортиқчалиги ҳақида сўз юритиш мумкин. Уникал бошқарув вазибаларини ҳал қилишда муаммони ҳар

томонлама баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни излаш (керакли жойда ва керакли вақтда зарур ахборотнинг йўқлиги туфайли) узоқ вақтга чўзилиши мумкин. Бу эса ахборотнинг бошқарув мақсадларига мос келишини баҳолаш билан бирга унинг ўз қийматига ва бошқа хусусиятларга эга бўлган ресурс категориясига айланишининг англаб етилишига олиб келади.

Адабиётлар таҳлили. В.П.Астахов корпоратив молиявий ҳисобот муаммоларини ривожлантиришга, бухгалтерия ҳисоботларини тузиш ва тақдим этиш масаларига эътибор қаратган [7], А.С.Бакаев эса молиявий ҳисоботларни тузишда ҳисоб сиёсатининг аохидда ўрни борлиги ва унинг аҳамияти ҳақида илмий қарашларни келтирган [8], М.А.Вахрушина [9] ва В.Ф.Палий [10] молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш масаларини илмий асослаб беришган. Шунингдек, М.М.Тулаходжаева, М.Ходжаева молиявий ҳисобот бу компаниянинг келгуси фаолияти учун тўғри ва шаффоф тузилиши ва тақдим этилиши ички ва ташқи аудит учун муҳим эканлигини эътироф этишган [19].

Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл [18] ҳисоботларда тақдим этилган маълумотларда ахборот муҳим ўрин тутишини ўз асарларида намоён этишган, иқтисодчи олим Д.Стоун [15] асарлари ҳисоботларни тузиш усуллари ва молиявий таҳлил методологиясига бағишланган бўлиб, ҳисоботларнинг ахборотлигини оширишнинг алоҳида усуллари ҳисобга олмаган ҳолда тадқиқ этилган.

Корпоратив молиявий ҳисоботнинг базавий масалаларини ривожлантиришга республикамиз иқтисодчилари ҳам салмоқли ҳисса қўшганлар, жумладан, А.К.Ибрагимов, Н.К.Ризаев, И.Р.Ибрагимова [6] ўз илмий қарашларида корпоратив молиявий ҳисоботнинг бир шакли, яъни пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни таҳлил қилиш методологияси ва таҳлилий имкониятлари, аналитик функциялар нуқтаи назаридан пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларини шакллантиришда юзага келадиган муаммолар батафсил кўриб чиқилган, шу билан бирга, назарий қоидаларни амалда қўллаш механизмлари, бошқа жараёнлар қатори, маълум бир фойдаланувчи гуруҳларига йўналтирилган молиявий ҳисоботларнинг информативлиги тўлиқ намоёиш этилмаган ва кейинги тадқиқотларга муҳтожлиги бор.

Хавф-хатарлар тизимини таҳлил қилишда ахборотнинг ишончлилигини баҳолаш ўта муҳим аҳамиятга эга, Р.А.Маннапова ва Э.Юлдашевнинг фикрича [14], таҳлил натижасида қабул қилинадиган қарорларнинг асослилиги, асосан, ахборотнинг, биринчи навбатда, бухгалтерия баланси маълумотларининг ишончлилиги билан белгиланади. Бизнинг назаримизда, Э.Жонснинг фикри ўринли: «Бизнесдаги таваккалчилик тўғрисидаги саволга баланс жавоб беради» [20].

Иқтисодчи таваккалчиликни баҳолашда корхона капиталининг миқдорини билиши керак, чунки бизнесни тавсифлашда, айнан, у ҳисобга олинади ва ўз капитални жалб қилиш учун асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилади. И.Бетге ёзганидек, фойда олиш орқали ўз капиталининг ўртача йиллик миқдори ошганда, ўз капиталининг улуши ортади ва бу сақлаш мақсадига эришилишга олиб келади, лекин ўзгармас йиллик фойда олинган тақдирда ўз капиталининг рентабеллиги пасаяди, чунки унинг ўртача йиллик миқдори ортади. Ўзгармас йиллик фойда олинган тақдирда ўз капитали улушининг камайиши ўз капитали рентабеллигининг ошишига олиб келади. Шундай қилиб, даромад манбаининг мақсадига тўлиқроқ эришиш пул ишлаб топиш мақсадига нисбатан тесқари натижага олиб келади ва аксинча.

Шу билан бирга, корпоратив молиявий ҳисоботлар тўғрисидаги ахборотларнинг ўсишига тўсқинлик қиладиган салбий ҳодисалар ҳали етарлича ўрганилмаган ва кейинги ривожланишга эришиш имкониятларини ўрганишни талаб қилади.


Тадқиқот методологияси. Корпоратив молиявий ҳисоботнинг моҳияти ва асослари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, статистик маълумотлардан фойдаланиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Ахборот тизимида оммавий ҳисоботлар асосий ўрин тутаяди. Бундай ҳисоботларнинг асосий мақсади манфаатдор фойдаланувчиларга бизнес шериклари билан ўзаро ҳамкорликнинг кейинги шакллари борасида иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун ташкилотнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ишончли ва жоиз ахборотни тақдим этишдан иборат.

Корпоратив молиявий ҳисоботлар корхонанинг ҳисобот давридаги ёки ҳисобот санасидаги мулкӣ ва молиявий ҳолати ҳамда унинг хўжалик фаолияти натижалари ҳақидаги ягона маълумотлар тизимини ўзида намоён этади ва корхона билан ишбилармонлик муҳити субъектлари ўртасидаги боғловчи бўғин ҳисобланади (1-расм).

Фойдаланувчиларга тақдим этиладиган ахборотнинг етишмаслиги корхона фаолияти-

ни кенгайтириш манбалари сифатида қўшимча капиталлар оқимини жиддий равишда чеклаши мумкин, чунки корхонанинг қўплаб бизнес шериклари молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида ўзларини қизиқтирган маълумотларни фақат улар фойдаланиши мумкин бўлган очикча тақдим этиладиган ҳисобот манбалари билан танишиш орқали олишлари мумкин.



1-расм. Бизнесда ахборот ва молиявий оқимларнинг айланиши

Корпоратив молиявий ҳисоботларни ўрганиб, бозор муносабатлари субъектлари турли мақсадларни кўзлайдилар: бизнес шерикларни ташкилотнинг қарзларни ўз вақтида тўлаш қобилияти ҳақидаги ахборот; инвесторларни ташкилотнинг истиқболлари, молиявий барқарорлик; акциядорларни эса акциялар нархи, дивидендларни тўлаш тенденциялари қизиқтиради. Ушбу муаммоларни корпоратив молиявий ҳисоботларнинг эълон қилинадиган молиявий маълумотларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг корпоратив молиявий ҳисоботлари асосий алоқа воситасига ва ҳисоботлар фойдаланувчилари учун хавф-хатарлар тизимининг таҳлилин ахборот билан таъминлашнинг энг муҳим элементи айланади. Айни вақтда ахборот фойдаланувчилари бир-биридан фарқ қилади, уларнинг мақсадлари аниқ ва қўпинча, қарама-қарши. Корпоратив молиявий ҳисоботлар таркибига кирувчи бухгалтерия балансида хўжалик юритувчи субъектнинг ўз капиталини акс эттириши хўжалик юритувчи субъектнинг акциядорлик

капитали ва ўз капиталининг реал даромадлигини, ўз капиталининг рентабеллигини аниқлаш, эгасининг молиявий таваккалчилигини баҳолаш, капитални ошириш фоизини, инвестиция имкониятларининг ўсишини, корхонанинг мулкӣ хавф-хатарларини қоплаш даражасини тавсифлаш имконини бериши керак.

Шу билан бирга, корхонанинг мажбуриятлари (қарз маблағлари) кўриб чиқилган. Ўз капитални ва қарз капитални ўртасидаги фарқлар ҳуқуқий сабаб туфайли юзага келади – корхона тугатилган тақдирда, унинг эгалари хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб-китоблардан кейин қоладиган қисмига ҳақли.

Қарзни молиялаштириш параметрлари (фоиз ставкалари, муддатлар, муддатли суммалар) ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш биз учун муҳимдек туюлади, чунки ушбу маълумотлар бухгалтерия ҳисоботларидан бошқа ҳеч қаерда акс эттирилмайди.

Қисқа муддатли мажбуриятлар нуқтаи назаридан замонавий бухгалтерия ҳисоботларида уларнинг шаффофлигини таъминлаш талабларининг расшировкаси келтирилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг маблағлари тўғрисида ахборотнинг тақдим этилиши қуйидагилар нуқтаи назаридан муҳим ва мақсадга мувофиқ деб тан олинади: активлар ликвидлигининг ўзгарувчан даражасини таъминлаш; табақалаштирилган капитал қўйилмалар таваккалчилигини баҳолаш; ишчанлик фаоллигини ва фаолиятнинг умумий самарадорлигини баҳолаш.

Таваккалчиликни баҳолашда маблағларнинг қайтарилиши қайси фаолият ҳисобидан – менежментнинг ташкилотга моҳирона раҳбарлик қилиши натижасинда (ташкилотнинг асосий фаолиятдан) ёки капитални бошқа ташкилотларга муваффақиятли жойлаштириш натижасида таъминланишини билиш муҳим аҳамиятга эга. Активларни асосий, инвестициявий ва молиявий фаолиятдан ажратиш ҳар хил турдаги активларнинг рентабеллигини ва капитални қўйиш хавф-хатарларини баҳолаш имконини беради.

Бу ерда айланма активларини уларнинг ликвидлилик даражаси (аниқроғи, ликвидликнинг ўзгарувчан даражаси) бўйича табақалаш масаласи ўта муҳим, чунки банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия баланси корхонанинг шошилинич тўловлар ва пул мажбуриятлари бўйича молиявий шартномаларни бажариш қобилиятини баҳолашда ахборот асоси сифатида қўлланилади.

Юқорида баён этилганлар муносабати билан таваккалчиликни баҳолаш учун бухгалтерия балансида активлар тўғрисидаги қуйидаги ахборотни ошкор қилиш зарур:

1. Асосий капитал, шу жумладан: номоддий активлар (патентлар, лицензиялар ва ҳ.к., ишчанлик обрўси), асосий воситалар (ер, бинолар, машиналар, асбоб-ускуналар, ижарага олинган асосий воситалар); тугалланмаган қурилиш; бошқа активлар (узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва ҳ.к.).

2. Инвестициялар, шу жумладан: моддий воситаларга даромадли қўйилмалар (лизинг, ижара); узоқ муддатли молиявий қўйилмалар (шуъба ва тобе жамиятларга, бошқа ташкилотларга узоқ муддатли қўйилмалар, тақдим этилган узоқ муддатли қарзлар).

3. Айланма молиявий активлар, шу жумладан: захиралар (хомашё, материаллари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар, юклаб жўнатилган товарлар); тижорат шерикларининг дебиторлик қарзлари (харидорлар, буюртмачилар, шуъба ва қарам жамиятларнинг қарзлари (шу жумладан, муддати ўтган қарзлари), олинаниган векселлар);

қисқа муддатли молиявий қўйилмалар (валюта ҳисобварақлари, қисқа муддатли қарзлар, келгуси даврлар харажатлари, бўнақлар, бюджет билан ҳисоб-китоблар); пул маблағлари (касса, ҳисоб-китоб рақамлари, бошқа пул маблағлари).

Баланснинг бундай шакллантирилиши (молиявий капитал концепциясидан келиб чиққан ҳолда) молиявий ресурслардан (капитал ва мажбуриятлардан) фойдаланиш нуқтаи назаридан таваккалчиликни аниқ баҳолашни таъминлайди, уларнинг бизнесга жалб қилиш шартларини (муддатлар, фоизлар, таъминот ва ҳ.к.), тақдим этилган капиталнинг ташкилот активларига инвестиция қилиш йўналиши ва табиатини белгилайди.

Таваккалчиликни фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланиб, тўлиқроқ баҳолаш мумкин. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 3-сонли БҲМС – «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» миллий стандарти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами: 484) барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунда баён қилинган умумий қоидаларга мувофиқ равишда ҳисоботни тузиш ва тақдим этишлари учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг моддаларини ҳамда унинг таснифини баён қилади[21].

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳозирги таркиби, халқаро амалиётга кўра, операция, инвестициявий ва молиявий фаолият натижаларини акс эттирувчи босқичма-босқич шаклда тузилади. Ҳисоботни шакллантириш учун айланма бўйича харажатлар усули асос қилиб олинган. Ушбу шаклнинг аналитиклигини ошириш учун йиллик амортизация суммаси фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга иловада мустақил модда сифатида ажратилган. Натижада фойдаланувчилар корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий барқарорлигини, шу билан бирга, ишлаб чиқариш ва молиявий таваккалчиликни объектив баҳолаш, корхона инвестиция дастурларининг молиявий самарадорлигини ҳисоблаш ва амортизация сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш имкониятига эга бўлдилар.

Агар баланс жамият корпорациясига муайян санадаги молиявий аҳволни акс эттириш орқали унинг ҳолатининг барқарорлиги нуқтаи назаридан асосий тавсифни берса, у ҳолда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот

корхонанинг бутун йил давомидаги жорий фаолияти натижасини акс эттиради, корхонада ишларнинг қандай йўлга қўйилганлиги, фойда ҳажмига таъсир кўрсатувчи фактлар ҳақида фикр юритиш имконини беради. Фойда корхонанинг ишчанлик фаоллиги самарадорлигини ифодалашнинг муҳим шакли ва муайян даврдаги жорий молиявий натижанинг ҳажми эканлиги боис, ушбу турдаги ҳисобот жамиятнинг келажакдаги фаолиятини прогноз қилишда қимматли ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади, бу эса потенциал инвесторларнинг пул маблағларини жалб қилиш (сарфлаш) учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. «Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» шаклини ўзгартириш бўйича сўнгги тавсиялар унинг ахборот учун белги-ланганлигини сезиларли даражада оширди.

Таваккалчиликни таҳлил қилиш сифатини яхшилаш учун манфаатдор шахслар ташкилот доирасида оладиган маълумотлар ошкор қилиниши лозим:

- мулкдорлар – фойда, дивидендлар, ўз капиталини кўпайтириш;

- бизнес ҳамкорлар – фоизлар, ижара тўлови, савдо дисконти ва ҳ.к.;

- ҳукумат органлари – бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқ ва солиқдан ташқари ўтказмалар;

- ходимлар – иш ҳақи ва бошқа мукофотлар.

Бунинг натижасида фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни такомиллаштиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири ходимлар билан иш ҳақи, ижара тўлови бўйича ҳисобкитобларни, фоизларни ва ташкилотнинг дисконт чегирмаларини бевосита акс эттиришдан иборат.

Хулоса ва таклифлар. Бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни манфаатдор фойдаланувчиларга тақдим этиш чоғида молиявий капитал кон-

цепциясидаги маълумотларнинг бундай келтирилиши, шу жумладан, таваккалчиликни баҳолаш нуқтаи назаридан, уларга маълум иқтисодий фойдани таъминлайди. Бунинг учун, ҳеч бўлмаганда, ҳисобот даврининг боши ҳолатига кўра капитал миқдори тўғрисидаги маълумотлар; акцияларнинг кўшимча чиқарилиши ҳисобига, мулкни қайта баҳолаш ҳисобига, мулкнинг кўпайиши ҳисобига, юридик шахсни қайта ташкил этиш (бирлашиш, қўшилиш) ҳисобига, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар қоидаларига мувофиқ бевосита капиталнинг камайишига тааллуқли бўлган даромадлар ҳисобига кўпайишни алоҳида ажратган ҳолда капиталнинг кўпайиши тўғрисидаги маълумотлар; ҳисобот даврининг охири ҳолатига кўра капиталнинг миқдори тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассам этган капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот тузилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун нафақат тизимли, балки тизимсиз хусусиятга эга бўлган ахборот жуда муҳим ҳисобланади. Иқтисодий адабиётларда тизимдан ташқаридаги ахборот етарли даражада тавсифланмаган. Амалиёт кўрсатиб турганидек, ҳозирги вақтга келиб, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳаётийлиги учун тасдиқлашнинг тизимдан ташқаридаги ахборотидан фойдаланиш бўйича амалий тажриба тўпланган. Иқтисодий назария ва реал миллий ва хорижий амалиётни ўрганиш тадқиқотимиз тизимдан ташқаридаги ахборотнинг қуйидаги таснифини таклиф қилиш имконини берди: ҳуқуқий; макроиқтисодий, яъни мамлакатдаги умумий иқтисодий вазият ҳақида; фонд бозори; товар бозори, шу жумладан, нархлар ҳақидаги ахборот; оммавий ахборот воситалари; илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ҳақидаги.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. 24.04.2015 й. ПФ-4720-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 июндаги ПҚ-5161-сонли «Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори.
5. Brown, P. (2011). "International Financial Reporting Standards: How real are the benefits?" *Accounting and Business Research*, 41(3), 269-285 p.
6. Ergasheva Sh.T., Ibragimov A.K., Rizayev N.K., Ibragimova I.R. *Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari. O'quv qo'llanma.* – T.: "Iqtisodiyot" nashriyoti, 2019. – 227 b.

7. Астахов В.П. Бухгалтерский (финансовый) учет. Учебник для бакалавров. / В.П.Астахов. 11-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2013. – 984 с.
8. Бакаев А.С. Бухгалтерский учет. Учебник. / А.С.Бакаев, П.С.Безруких, Н.Д.Врублевский, В.Б.Ивашевич и др.; под ред. П.С.Безруких. 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Бухгалтерский учет, 2004. – 736 с.
9. Вахрушина М.А. Анализ финансовой отчетности. Учебник. / Колл. авторов; под ред. М.А.Вахрушиной. 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2015. – 432 с.; 5-е изд., стереотип. – М.: Рус.яз.-Медиа; Дрофа, 2010. – 1025 с.
10. Миддлтон Д. Бухгалтерский учет и принятие финансовых решений. / Д.Миддлтон; пер. с англ.; под ред. И.И.Елисейевой. – М.: Аудит, ЮНИТИ, 1997. – 408 с.
11. Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. / В.Ф.Палий. 6-е изд., испр. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2013. – 506 с.
12. Пачоли Л. Трактат о счетах и записях. / Л.Пачоли; под ред. Я.В.Соколова. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 368 с.
13. Сотникова Л.В. Бухгалтерская отчетность организации. / Л.В.Сотникова; Ин-т проф. бухгалтеров и аудиторов России. – М.: ИПБР-БИНФА, 2005. – 360 с.
14. Ergasheva, S.T., Mannarova, R.A. & Yuldashev, E.I. Accounting-A system for managing economic information in agriculture. // New Institutions for Socio-Economic Development: The Change of Paradigm from Rationality and Stability to Responsibility and Dynamism. 2021. P. 173-181. DOI: 10.1515/9783110699869-018
15. Стоун Д. Бухгалтерский учет и финансовый анализ: Подготовительный курс. / Д.Стоун, К.Хитчинг = Derek Stone and Claude Hitching; английское издание. – СПб.: Литера плюс, 1993. – 302 с.
16. Терентьева Т.В. Теория бухгалтерского учета. Учеб. пособие. / Т.В.Терентьева. – М.: Вузовский учебник, 2008. – 208 с.
17. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. / А.Д.Шеремет. 3-е изд., доп. – М.: ИНФРА-М, 2011. – 352 с.
18. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, 2004. – 496 с.
19. Tulakhodjaeva, M., Khodjaeva, M. Features of digitalization and ensuring transparency of accounting and audit in Uzbekistan. // ACM International Conference Proceeding Series. 2021. P. 651-654. DOI: 10.1145/3508072.3508201
20. <https://finacademy.net/materials/standartu-msfo/msfo-ias-7-otchet-o-dvizhenii-denezhnykh-sredstv>
<http://finotchet.ru/articles/87/>
21. <https://lex.uz/docs/711000>



BOSHQARUV HISOBI METODOLOGIYASINI ZAMONAVIY TIZIMLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a9

Sobirov Otabek Olimjonovich
Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa
doktori (PhD), dotsent
Namangan muhandislik-texnologiya instituti
Buxgalteriya hisobi va audit kafedrasini,

Annotatsiya. Ushbu maqolamizda xo'jalik yurituvchi subyektlarning alohida xususiyatlarini inobatga olgan holda boshqaruv hisobini tashkil etish va yuritish, ishlab chiqarish jarayonida xarajatlarni rejalashtirish, tannarxni hisoblashning eng samarali va optimal usulidan foydalanish, strategik qarorlar va rejalarning amalida bajarilishiga ta'sir etuvchi omillarni aniqlash va ularni bartaraf etish chora-tadbirlarini ishlab chiqish kabi masalalar o'rganilgan va yoritib o'tilgan. Bundan tashqari xo'jalik yurituvchi subyektlarda boshqaruv hisobi samarasini yanada oshirishga bevosita ta'sir qiladigan yangi kalkulyatsiya usuli, ya'ni hayotiy davr bosqichlari bo'yicha kalkulyatsiya qilish usuli yoritib o'tilgan. Shuningdek, xo'jalik yurituvchi subyektlarda boshqaruv hisobini tashkil qilish va yuritishda o'zining ijobiy yechimini kutayotgan bir qator muhim masalalar va ularni hal etish bo'yicha xulosa va takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: boshqaruv hisobi, ishlab chiqarish, kalkulyatsiya, xarajatlar hisobi, innovatsion yondashuvlar, moliyaviy hisobot, mahsulotlarni sotish, investitsiya, daromad, axborot texnologiyalari, samaradorlik.